

# **ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ИНКЛЮЗИВ РИВОЖЛАНИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ДИНАМИКАСИНИ БАҲОЛАШ**

**Сардор Сиддик ўғли АХАДОВ**

таянч докторант

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: [Sardorbekaxadov@mail.ru](mailto:Sardorbekaxadov@mail.ru)

## **Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон иқтисодиёти бартқарор ривожланиш тенденциялари баҳоланган. Кўп йиллик статистик маълумотлар асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг бартқарор инклюзив ўсишининг тармоқ ва соҳалар бўйича асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари динамикаси таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** ялпи ички маҳсулот, бартқарор ривожланиш, инклюзив иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий динамика, ялпи қўшилган қиймат, макроиқтисодий бартқарорлик.

# **ОЦЕНКА ДИНАМИКИ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО ИНКЛЮЗИВНОГО РАЗВИТИЯ И ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Сардор Сиддик углы АХАДОВ**

базовый докторант

Ташкентский государственный

экономический университет

Ташкент, Узбекистан

e-mail: [Sardorbekaxadov@mail.ru](mailto:Sardorbekaxadov@mail.ru)

## **Аннотация**

В статье дана оценка тенденциям устойчивого развития экономики Узбекистана. На основе многолетних статистических данных проанализирована динамика основных макроэкономических показателей устойчивого инклюзивного роста экономики нашей страны по отраслям и секторам.

**Ключевые слова:** валовой внутренний продукт, устойчивое развитие, инклюзивный экономический рост, макроэкономическая динамика, валовая добавленная стоимость, макроэкономическая стабильность.

Ўзбекистонда бартқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш нафақат меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурслари мавжудлиги билан, балки кўп жиҳатдан институционал муҳитга, шунингдек, фаолият юритиб турган институтларнинг самарали ишлашига ёки янги институтларни амалиётга

киритилишига ҳам боғлиқ. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги 2023 йил 12 сентябрь Фармонида “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш” мақсади доирасида иқтисодиётни трансформация қилиш ва институционал ислохотларни изчил давом эттириш зарурлиги белгилаб берилган [1].

Мамлакатда шаклланган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариш динамикасини қиёсий таҳлил қилиш ва самарадорлиги даражасини баҳолаш иқтисодиёт ва унинг тармоқ соҳалари истиқболда барқарор ривожланишининг имкониятларини кўрсатиб беради. Биз тадқиқот жараёнида Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг 1991 йилдан 2023 йилгача бўлган даврида ялпи ички маҳсулот ва қўшилган қиймат занжирининг ўзгариш динамикасини ўргандик ва мамлакат иқтисодиёти ва унинг тармоқ соҳаларини инклюзив (ҳар томонлама) ривожланиш имкониятларини кенгайтиришга инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар киритиш тенденцияларини баҳоладик.

Кўплаб хорижий ва мамлакатимиз олимларининг илмий ишлари иқтисодиётни барқарор инклюзив ривожлантириш муаммоларига бағишланган бўлиб, барқарор инклюзив ривожланиш назарияси дастлаб америкалик иқтисодчи Д.Норднинг [8] мавзуга доир асарида эътироф этилган. Инклюзив ривожланиш назариясида шунингдек, Р.Коуз [7], Т.Эггертсон [11] тадқиқотларида иқтисодий ўсишнинг институционал омиллари таркибига асос солинган. Н.В.Погомова ва бошқалар [9] ишларида барқарор иқтисодий ўсиш ва янги институционал индустрия стратегияси асослаб берилган. Россия Федерацияси тадқиқотчилари В.А.Барина ва С.П.Земцовлар ишларида минтақада барқарор инклюзив ўсиш концепциясида ўзаро келишув имкониятлари баҳоланган ва барқарор инклюзив ўсиш стратегиясининг кенг тавсифи тақдим этилган [4]. Америкалик олимлар Д.Ажемўғли ва Ж.Р.Робинсон [2] кўп йиллик тадқиқотларида инклюзив институтларнинг иқтисодий ўсиши учун унга

манфаатдор томонларнинг капитал киритиши аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсатни қўллаб-қувватлайди ва бу давлатларнинг бой бўлишига олиб келишини таъкидлайди.

Ўзбекистон олимларидан А.М.Вахобов [6] ишларида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг методологик жиҳатлари асосланган. Профессор Қ.А.Шарипов [10] ва Б.Б.Беркинов [5] тадқиқотларида Янги Ўзбекистон стратегиясида барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсишни таъминловчи макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси тармоқлар ва соҳалар кесимида баҳоланган. Ўзбекистон аграр секторининг истиқболда ривожланишининг стратегик йўналишлари ва инклюзив омиллар М.Т.Асқарованинг [3] илмий тадқиқотларида ўрганилган ва тақлифлар ишлаб чиқилган. Бироқ Янги Ўзбекистон стратегиясида барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи институтларнинг ривожланиш қонуниятлари етарлича ўрганилмаган.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма–босқич амалга оширилган иқтисодий ва институционал ислохотлар натижасида хусусий мулк устувор бўлган кўп укладли иқтисодиёт шаклланди ва у ҳозирги даврда барқарор ривожланиш босқичига ўтди. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши бошланишининг дастлабки босқичи 1991–1995 йилларга тўғри келади. Ушбу даврда ЯИМ йилига ўртача 96 фоизни ташкил этган ва бу ЯИМнинг пасайиш даври бўлган.

Ўзбекистонда дастлабки иқтисодий ўсиш 1996 йилда кузатилди ва у 1995 йилга нисбатан 1,7 фоизни ташкил этган. Кейинги (1997 – 2003) йилларда иқтисодий ривожланишнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 4,2 фоизга тенг бўлган. Ушбу даврни барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш йиллари деб эътироф этиш мумкин. Ўзбекистонда инклюзив иқтисодий ривожланиш 2004 йилда кузатилди. Шу йили ЯИМ ўсиш суръати 7,4 фоизга тенг бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланиши арафасида (2007 й.) Ўзбекистонда энг юқори иқтисодий ўсиш суръати қайд этилди (9,5%). Кейинги 2008 йилда ЯИМ ўсиши 9%ни, 2009 йилда 8,1%, 2010 ва 2011 йилларда 8,5 ва 8,3%ни ташкил этди. 2012–2013 йилларда эса ЯИМ ўсиши 8,1 % га тенг бўлди. Кейинги 2015 йилда ЯИМ ўсиш суръати 2014 йилга нисбатан 0,1 фоиз бандига камайди ва 8%ни ташкил этди. Ўзбекистонда бундай юқори ўсиш суръатлари мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни сақлаш; таркибий ўзгаришлар ва корхоналарни модернизация қилишга инвестицияларни фаол жалб этиш; кичик тадбиркорлик ва ички истеъмолни давлат томонидан рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни қатъият билан изчил амалга ошириш орқали таъминланган.

Ўзбекистонда аҳоли сонининг муттасил ўсишига қарамасдан, аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқаришнинг ҳам доимий ўсиб бориш динамикаси сақлаб қолинмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда доимий аҳоли сони 2000 йилдан 2023 йилга қадар 47,0%га ошди. Шу билан бир вақтда, бу даврларда иқтисодиётда бандларнинг сони 1,54 мартага ошди. Мамлакат ЯИМ 2000–2023 йилларда 3255,6 миллион сўмдан 1066569 экатриليون сўмга ёки 327 мартага, 2022 йилга солиштирганда 19 фоизга ошган. Аҳоли жон бошига реал ЯИМ 2000–2023 йилда 241 мартага тенг бўлди. Шу даврда Ўзбекистонда ялпи қўшилган қиймат 354 мартага ошди. Аҳоли жон бошига реал ЯИМ ва қўшилган қийматнинг бундай юқори ўсиш суръатлари, улар ҳаёти сифатини янада яхшилашга давлат томонидан кўпроқ маблағ йўналтирилаётганлигидан далолат беради (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси инклюзив ривожланишининг асосий  
макроиқтисодий кўрсаткичлари динамикаси, (миллиард сўм)**

| Кўрсаткичлар                                     | Йиллар  |         |         |         |         | 2023 йил<br>2000 йилга<br>нисбатан,<br>марта |
|--------------------------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|----------------------------------------------|
|                                                  | 2000    | 2020    | 2021    | 2022    | 2023    |                                              |
| Аҳоли сони, минг киши                            | 24487,7 | 33905,2 | 34558,9 | 35271,3 | 36024,9 | 1,47                                         |
| Иқтисодиётда бандларнинг ўртача сони (минг киши) | 8983    | 13236,4 | 13538,9 | 13706,2 | 13058,3 | 1,54                                         |

|                                              |        |          |          |          |           |           |
|----------------------------------------------|--------|----------|----------|----------|-----------|-----------|
| Ялпи ички маҳсулот                           | 3255,6 | 605514,9 | 738425,2 | 896617,7 | 106656,9  | 3,27      |
| Аҳоли жон бошига ялпи даромадлари (минг сўм) | 96,4   | 12122,2  | 14869,8  | 17772,9  | 20015,9   | 2,07      |
| Ялпи қўшилган қиймат                         | 2848,0 | 561153,4 | 686432,4 | 836839,7 | 1008423,1 | 3,54      |
| Аҳоли жон бошига реал ЯИМ (минг сўм)         | 77,2   | 10734,3  | 13416,8  | 15979,3  | 18614,8   | 2,41      |
| Аҳоли реал даромадлари ўсиш суръати, %       | 126,4  | 100,5    | 112,9    | 109,7    | 115,2     | -         |
| Маҳсулот ишлаб чиқариш:                      |        |          |          |          |           |           |
| саноат                                       | 1888,9 | 368740,2 | 451600,0 | 553300,0 | 655800,0  | 3,47      |
| истеъмол товарлари                           | 833,2  | 129348,6 | 152000,0 | 197900,0 | 189000,0  | 2,28      |
| қишлоқ хўжалиги                              | 1387,2 | 250250,6 | 303400,0 | 345400,0 | 404600,0  | 2,92      |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар    | 744,5  | 210195,1 | 239600   | 266200   | 352100    | 473       |
| Чет эл инвестициялари ва кредитлари          | 172,4  | 89758,8  | 101371,2 | 113864,2 | 130374,0  | 755       |
| Курилиши ишлари                              | 388,4  | 88130,3  | 107492   | 130790   | 149864    | 386       |
| Асосий фондларни ишга тушириш                | 3887,6 | 127291,6 | 178631,1 | 183979,4 | 198692,3  | 51        |
| Иқтисодиётдаги фойда                         | 283,3  | 48271,5  | 81113,2  | 78944,7  | 88812,8   | 314       |
| Ташки савдо айланмаси (млн. АҚШ доллари)     | 6212,1 | 36256,1  | 42170    | 50550    | 62567,4   | 100       |
| Жумладан:                                    |        |          |          |          |           |           |
| экспорт                                      | 3264,7 | 15102,3  | 16662,2  | 19732,6  | 24426,9   | 7,48      |
| импорт                                       | 2947,4 | 21158,8  | 25507,7  | 30767,7  | 38141,2   | 13,0      |
| Мулкчилик шакллари бўйича ЯИМ таркиби, %     |        |          |          |          |           |           |
| давлат сектори                               | 27,4   | 17,4     | 19,0     | 19,5     | 19,8      | -7,6 ф.б. |
| нодавлат сектор                              | 72,6   | 82,6     | 81,0     | 80,5     | 80,2      | +7,6 ф.б. |

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Мамлакатда ЯИМ ҳажмининг тез суръатлар билан ўсиши биринчи навбатда, иқтисодиёт базавий тармоқларининг барқарор инклюзив ривожланиши ҳамда улар рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ ҳисобланади. Республикамизда 2000–2023 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2000 йилда 1888,9 млрд. сўмдан 2023 йилда 655800 млрд. сўмга кўпайди. Ёки шу даврда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш қарийб 347 мартага ошди. Шу билан бир вақтда саноат тоифасидаги истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса 2000–2023 йилларда 227 мартага тенг бўлди. Шу даврда аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 153,6 мартага кўпайди.

Қишлоқ хўжалиги, айниқса, унинг пахтачилик, мева-сабзавотчилик тармоқлари мамлакат иқтисодиётини барақарор ривожланишида муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш 2023 йилда 2000 йилга нисбатан 292 мартага кўпайди. Шу билан бир вақтда ЯИМ таркибида саноат, транспорт ва бошқа институционал ривожланаётган тармоқлар улуши ошиши туфайли аграр соҳанинг улуши ЯИМда 42,6%дан (2000 й.) 37,9 фоизгача (2023 й.) пасайди.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестициялар жами ҳажми 2023 йилда 352100 млрд. сўмга тенг бўлган. Бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 473 мартага кўпдир. Бошқача айтганда, 2000 йилда иқтисодиётга бир сўм киритилган инвестиция ҳисобига 30,4 сўм ЯИМ ишлаб чиқарилган. 2017 йилда эса 1 сўм инвестицияга 9,0 сўм ЯИМ тўғри келган. Шу даврда аҳоли жон бошига инвестициялар 7015,9 минг сўмдан (2000 й.) 9668,8 минг сўмгача (2023 й.) кўпайган. Ялпи ички маҳсулотда инвестициялар ҳажми 2023 йилда 22 фоиз бўлган. Ушбу кўрсаткич 2000 йилда 22,8 фоизга тенг бўлган.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларни 2000 йилда 23,2 фоизини чет эл инвестициялари ва кредитлари ташкил этган. Бу кўрсаткич 2010 йилда 26,4 фоизга; 2021 йилда 48,3; 2022 йилда 42,8 фоизни ташкил этиб, иқтисодиётга киритилган жами инвестиция ва кредитлар 473 мартага кўпайган. 2023 йилда умумий ҳажми қарийб 84311,6 млрд. АҚШ доллари бўлган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари киритилган. Бу 2022 йилга нисбатан 164,4%га кўп ҳисобланади. Шундан қарийб 84% тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобланади. 2016 йилларда инвестициялар ҳажмида хорижий инвестициялар улуши камайиши кузатилган бўлса, кейинги 6 йилда унинг юқори ўсиш тенденциясини кўришимиз мумкин.

Умуман асосий капиталга киритилган инвестициялар, шу жумладан, чет эл инвестициялари, мамлакат асосий фондларининг муттасил янгиланиб боришига замин яратди. Ўзбекистонда 2023 йил охирига келиб асосий фондлар ҳажми 179854 млрд. сўмга тенг бўлган. Ёки 2023 йилда мамлакат

асосий фондларини ишга тушириш 2000 йилга нисбатан қарийб 51 мартага ошган. Асосий фондларнинг тез ўсиш суръатлари, қурилиш ишлари ўсиши ҳамда уларни ҳар йили ишга тушириш ҳажмининг ошиши билан изоҳлаш мумкин. 2000 йилда 514 млрд. сўмлик асосий фондлар ишга туширилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 198692,3 млрд. сўмга тенг бўлган.

Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг ( $x_i$ ) ЯИМ ҳажмига ( $y_i$ ) боғлиқлигини баҳолаш мақсадида қуйидаги регрессия тенгламаси тузилди:

$$\hat{y}_i = 36,8 + 2,64x_i, (1)$$

(1) модель учун корреляция коэффициенти ( $R$ ) 0,959; Стьюдентнинг  $t$ -меъзони  $a_0$  ва  $a_1$  коэффициентлари учун 87,6 ва 2,16 га тенг; Фишернинг  $F$ -меъзони 0,95; нисбий хато ( $E$ ) 5,5%. Ушбу статистик меъзонлар қиймати (1) моделнинг ўрганилаётган жараёнга нисбатан адекват эканлигини исботлайди.

Тенгламадан кўриш мумкинки, инвестицияларнинг бир бирликка (1 триллион сўмга) кўпайиши мамлакатда ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,64 триллион сўмга ошишига олиб келади. Агар Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар киритишнинг ўтган йиллардаги тенденцияси сақланиб, асосий капиталга 2025 йилда 42,2 – 52,1 трлн. сўмгача инвестициялар киритилса, бу мамлакатда янги инвестициялар улуши ҳисобига 2025 йилда 2023 йилга нисбатан қўшимча 84,4 трлн. сўмдан 105,6 трлн. сўмгача ЯИМ ўсишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 2023 йилда 62567,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлган. Бу 2000 йилга нисбатан 100 мартага кўпдир. Ўзбекистонда маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми 2020 йилда 15102,3 млрд. сўмни, 2021 йилда 16662,0; 2022 йилда 19732,6 ва 2023 йилда 24426,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Мамлакатимизда импорт ҳажми 2023 йилда 2000 йилга нисбатан 13 марта ошган. Бу кўрсаткич экспорт ҳажмидан 5,5 мартага кўп ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг ва иқтисодий ўсиш асосини унда ҳосил бўлган фойда ташкил этади. Бу инклюзив ривожланиш даражасини ҳам кўрсатади. Статистик маълумотларга кўра, 2000–2023 йилларда иқтисодий фойда ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Шу даврда мамлакатда яратилган иқтисодиёт тармоқларидаги фойда 310 мартадан кўпга ўсган ва 2023 йилда 88812,8 млрд. сўмни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2023 йилда 2020 йилга нисбатан қарийб 2 мартага кўпайган. Иқтисодиётдаги фойда ҳажми такрор қайта ишлаб чиқаришда, асосий фондларни янгилашда ҳамда мулкдорларни рағбатлантиришда асосий манба сифатида, уни доимо ошириб бориш чора-тадбирларини, айниқса ресурслар тежамкорлигини таъминлашнинг устувор вазифаси ҳисобланиши керак. Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор инклюзив ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакат ЯИМни шакллантирувчи асосий инклюзив ўсиш омиллари бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари институтларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳисобланади. Ўзбекистон 2000 йилда тармоқ институтларида яратилган ялпи қўшилган қиймат 87,5%ни, 2020 йилда эса бу кўрсаткич 92,7%ни ташкил қилган. 2023 йилда эса тармоқ институтлари ялпи қўшилган қиймати 94,5% бўлган. Бу кўрсаткич 2020 ва 2023 йилга нисбатан мос равишда 5,2 ва 1,8 фоиз бандига ошган (2-жадвал).

Иқтисодиёт тармоқлари институтлари ичида энг юқори ялпи қўшилган қиймат саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик тадбиркорлик соҳаларига тўғри келади. Саноатдаги ЯҚҚ 2000 йилда 14,2 фоизга тенг бўлган. Ушбу кўрсаткич 2020–2023 йиллар давомида 33,4 фоиздан 33,9 фоиз даражасига кўтарилган.

Саноат тармоқларидан кейин ЯИМга қўшаётган улушда қурилиш, транспорт ва савдо соҳаларида ўсиб бориш тенденциясига эга. Ушбу соҳаларнинг ЯИМ ҳажмига қўшган улуши 2023 йилда жами 22,0 фоизни ташкил қилган. Бу 2000 йилга солиштирганда 2,5 фоиз бандига паст; 2023 йилга нисбатан эса 22,0 фоиз бандига кўпдир. Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш, маориф ҳамда уй-жой хўжалиги соҳаларининг ЯИМга қўшаётган

улуши ўсиб бориш тенденциясига эга. Худди шундай ўсиш тенденцияларини алоқа ва бошқа айрим ижтимоий тармоқларда ҳам кузатиш мумкин. Бундай нисбий ўсиш асосан саноат соҳаларининг ривожини билан боғлиқ ҳисобланади. Аммо тармоқларда қўшилган қиймат яратиш абсолют жиҳатдан ўсиб бориш тенденциясига эга.

2-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари ялпи қўшилган қийматининг ўзгариш динамикаси, %

| Кўрсаткичлар                        | Й и л л а р |      |      |      |      | 2020<br>йилда<br>2000<br>йилга<br>нисбатан<br>фоиз<br>банди | 2023<br>йилда<br>2020<br>йилга<br>нисбатан<br>фоиз<br>банди |
|-------------------------------------|-------------|------|------|------|------|-------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------|
|                                     | 2020        | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 |                                                             |                                                             |
| ЯИМ                                 | 100         | 100  | 100  | 100  | 100  |                                                             |                                                             |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 87,5        | 92,7 | 93,0 | 93,2 | 94,5 | +5,2                                                        | +1,8                                                        |
| шу жумладан:                        |             |      |      |      |      |                                                             |                                                             |
| Саноат                              | 14,2        | 33,4 | 33,9 | 33,4 | 33,9 | +19,2                                                       | +0,5                                                        |
| қишлоқ хўжалиги                     | 30,1        | 26,9 | 26,5 | 25,1 | 27,9 | -3,3                                                        | +1,1                                                        |
| Қурилиш                             | 6,0         | 6,7  | 6,6  | 6,7  | 7,3  | +6,7                                                        | +0,6                                                        |
| транспорт ва алоқа                  | 7,7         | 7,4  | 6,8  | 7,2  | 7,4  | -0,3                                                        | +0,0                                                        |
| савдо ва б.                         | 10,8        | 6,5  | 6,8  | 7,0  | 7,3  | -4,3                                                        | +0,8                                                        |
| бошқа тармоқлар                     | 18,7        | 26,4 | 25,8 | 27,5 | 27,8 | +7,7                                                        | +1,4                                                        |
| Маҳсулотларга соф солиқлар          | 12,5        | 7,3  | 7,0  | 6,8  | 7,8  | -5,2                                                        | +0,5                                                        |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

Мамлакат ривожланишининг ҳамма босқичларида иқтисодиёт тармоқларида солиқ юки мунтазам равишда камайтирилиб келинмоқда. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, 2000–2023 йиллар мобайнида маҳсулотларга қўйилган соф солиқлар 12,5 фоиздан 7,8 фоизга камайган ёки шу даврда соф солиқлар 5,2 фоиз бандига пасайган (2-жадвал). Бу нафақат маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, балки ишлаб чиқаришга чет эл инвестицияларини, айниқса унинг тўғридан-тўғри турини жалб этишни рағбатлантиришда асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Хусусий мулкчилик иқтисодиётда рақобат муҳитини яратиш ва уни ривожлантиришнинг асосий омилидир. Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилган институционал ислохотлар жараёнида шакллланган

хусусий мулкчилик субъектлари ЯИМ ишлаб чиқаришда асосий ўрин тутди. Мамлакатимизда 2023 йилда ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 80,2% нодавлат, 19,8% давлат секторлари ҳисобига тўғри келади. ЯИМдаги нодавлат сектори улуши 2000 йилда 72,6% бўлган. Бу кўрсаткич 2023 йилга келиб 7,6%га ошган. Шу даврда давлат секторининг ЯИМдаги улуши 27,4%дан 19,8%гача пасайган. Бундай таркибий ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодиётида давлат улушини камайтириш, хусусий мулкчилик институтларини кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган сиёсат натижаси ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда босқичма-босқич олиб борилган иқтисодий ҳамда институционал ислохотлар натижасида мамлакатда нафақат ишлаб чиқариш барқарорлашди, балки макроиқтисодий мутаносиблик таъминланди.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Ўзбекистонда режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичи 1991–1995 йилларга тўғри келган ва бу йилларда мамлакат ЯИМ ўртача 96%га тенг бўлиб, рецессия даври ҳисобланади. Ўзбекистонда дастлаб иқтисодий ўсиш 1996 йилдан кузатилган. Мамлакатимизда кейинги 1997–2003 йиллар барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш даври сифатида эътироф этилади. Ўзбекистонда барқарор инклюзив ривожланиш даври 2004 йилдан бошлаб давом этмоқда.

2. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари аҳоли сонининг мутассил кўпайиши билан юз бермоқда. Доимий аҳоли сони 2000 йилдан 2023 йилгача 47 фоизга кўпайган. Шу даврда аҳоли жон бошига реал ЯИМ 241 мартага ошган. Бу иқтисодиёт ва тармоқ соҳаларига инвестициялар киритиш ҳажмини ошириш орқали инклюзив ўсишни қўллаб-қувватлашга асосий эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади.

3. Мамлакатимизда 2000–2023 йилларда чет эл инвестициялари, қурилиш ишлари, асосий фондлар, ташқи иқтисодий фаолият юқори суръатлар билан ўсиб борган ва бу саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хусусий

тадбиркорик институтларини инклюзив ривожланишига кенг имкониятлар яратган.

4. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда саноат ва аграр сектор тармоқларини стратегик жиҳатдан инклюзив ривожлантириш кўп жиҳатдан янги институтларни яратиш, эскиларини такомиллаштиришга йўналтириш зарур. Фақат ушбу тармоқлардагина дастлабки маҳсулотлар ишлаб чиқариш, кооперация орқали меҳнат тақсимоти юз беради, бу инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади.

5. Мамлакатимизда ялпи қўшилган қиймат 2023 йилда 1 трлн. сўмдан ошиқни ташкил қилди. Бу 2022 йил билан таққослаганда 20,5 фоизга кўп. Ушбу кўрсаткич 2023 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 94,5 фоизини ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич 2000 йилда 87,5 фоизга тенг бўлган. Демак, инклюзив ўсиш даражаси шу даврда 7%га кўтарилган.

6. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор инклюзив ривожланишида хусусий мулкчиликнинг асосий омил сифатида рақобат муҳитини кучайтиришдаги роли ортиб бормоқда. Буни мамлакатимизда нодавлат сектори улушининг 2000 йилда 72, 6 фоиздан 2023 йилда 80,2 фоизгача ошгани билан баҳолаш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 сентябр ПФ-185-сон Фармони. Lex.uz
2. Ажемўғли Дарон, Жеймс А.Робинсон. Вамлакатлар таназзули сабаблари: қудрат, фаровонлик ва камбағаллик манбалари. – Тошкент, 2021.
3. Аскарова М.Т. Стратегические перспективы развития аграрного сектора Узбекистана. – Тошкент: ТДИУ, 2023. – Б.39-43.
4. Баринова В.А., Земцов С.П. Инклюзивный рост устойчивость регионов России //Регион: Экономика и социология, 2019. – №1 (101). – С. 23-46.
5. Беркинов Б.Б. Инклюзив институтлар ва барқарор ўсиш стратегияси: Yangi O'zbekiston: makroiqtisodiy barqarorlik va inklyuziv o'sish omillari:

mavzusidagi res. ilmiy-amaliy anjuman ilmiy maqolalar to'plami. – Toshkent: TDIU, 2023.

6. Вахабов А.В. Методологические аспекты осуществления структурных преобразований в экономике и обеспечения, устойчивого экономического роста: Институциональное развитие экономики Узбекистана: материалы конференции. – Ташкент: ТГЭУ, 2016.

7. Коуз Р. Фирма, рынок и право. – Москва: Дело, 1993.

8. Норд Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – Москва: Начала, 1997.

9. Пахомова Н.В. и др. Инклюзивный устойчивый рост и стратегия новой индустриализации: институциональные рамки для согласования // Экономика и управление, 2016. – №1 (123).

10. Шарипов Қ.А. Янги Ўзбекистон стратегиясида барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллар: Yangi O'zbekiston: makroiqtisodiy barqarorlik va inklyuziv o'sish omillari: mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjuman ilmiy maqolalar to'plami. – Toshkent: TDIU, 2023.

11. Эггертсон Т. Экономическое поведение и институты. – Москва: Дело, 2001.

12. [www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz) – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги.

13. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги.

14. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали.